O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

АЁЛЛАР! СИЗ УЧУН ҲАМИША НАЗОКАТ СОҲИБАСИ, ЧЕКСИЗ МЕҲР ЭГАСИ, МУҲАББАТ ТИМСОЛИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАСИЗ.

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 8 MART ◆ PAYSHANBA ◆ № 30 (26.732)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар!
Суюкли қизларимиз!

Авваламбор, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки, меҳр-шафқат, вафо ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни қутлуғ байрамингиз — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Баҳор элчиси бўлган ушбу гўзал айём баҳонасида бизни дунёга келтирган, бағрида ардоқлаб улғайтирган меҳри дарё оналарга, хонадонимизни мунаввар этган, фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказаётган севимли ёрларимизга, меҳрибон сингилларимизга ўз таъзим ва ташаккуримизни изҳор қиламиз.

Аёл деганда, бизнинг кўз олдимизда, аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси намоён бўлади. Инсон зоти борки, онанинг оқ сути ва бетакрор алласи билан улғаяди, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сирлари ва сабоқларини она меҳри, она саховати туфайли ўрганади.

Умримизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётий таассуротларимиз ҳам болалик даври билан, она бағрида кечган беармон йилларимиз билан боғлиқ.

Шу боис ҳам ҳар қайси инсон учун она қиёфаси, она сиймоси, онанинг муборак хотираси муқаддасдир, барчамиз учун ягона Ватан, ўзимиз униб-ўсган мана шу қадимий замин каби юксак ва илоҳий мазмунга эгадир.

Кишилик тарихи, ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай давлатнинг маданий савияси, аввало, хотин-қизларга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиром ва аёл зотининг шу жамиятда эгаллаб турган ижтимоий ўрни билан ўлчанади.

Ҳеч шубҳасиз, шу давлат, шу жамиятда ҳукм сураётган тинчлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат каби фазилатлар ҳам биринчи навбатда аёлларнинг фаоллигига, уларнинг меҳнати ва шижоатига боғлиқ, десам, асло муболаға бўлмайди.

Бугун юртимиз равнақи йўлида, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият тармоқларида, азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонлар этиб вояга етказишда, Оналар ва болалар йилидаги улуғвор вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг ўрни ва қўшаётган улкан ҳиссаси бунинг яққол тасдиғидир.

Азиз опа-сингиллар!

Бугун биз халқимизнинг куч-қудратига ва бунёдкорлик салоҳиятига суяниб, янги жамият, янги иқтисодиёт, янги ҳаёт қурмоқдамиз.

Барча имкониятларимизни ишга солиб, аёлларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида кўпгина ижобий ўзгаришларга эришмоқдамиз. Энг муҳими, бу масалага жамиятимизнинг эътибори тобора ошиб бормоқда.

Бугун биз — барча эркак зоти, юрт ўғлонлари ўзимизнинг муқаддас бурчимизни сиз, азизларни фақат байрам кунларидагина эмас, балки ҳар кун, ҳар соатда асраб-авайлаш, оғирингизни енгил қилиш, мурод-мақсадларингизнинг ушалиши учун ғамхўрлик кўрсатиш, деб биламиз.

Чунки ҳар қайси инсон учун она ризолиги, аёл эҳтиромига сазовор бўлишдан олий бахт йўқ.

Мана шу файзли дамларда қадрли опа-сингилларимизга қарата чин қалбимдан шуни айтмоқчиманки, сизлар биз учун ҳамиша назокат соҳибаси, чексиз меҳр эгаси, муҳаббат тимсоли бўлиб қолаверасиз.

Сизларнинг латофатингиз ва қалб саховатингиз бизга доимо куч-ғайрат ва шижоат бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни янги аср, янги минг йилликнинг биринчи баҳорида нишонланаётган 8 март — гўзаллик ва нафосат айёми билан яна бир бор табриклайман. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонингизга қут-барака тилайман.

Эл-улус бахтига, осойишта оилангиз, азиз фарзандларингиз бахтига доимо саломат ва саодатли бўлишингизни Яратганнинг ўзидан тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март ажойиб ва унутилмас дамларда, янги аср, янги минг йилликнинг илк баҳорий майсалари сабза урган, муҳтарам Президентимиз томонидан 2001 йил мамлакатимизда Оналар ва болалар йили деб эълон этилиб, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган шароитда кенг нишонланмоқда.

7 март куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.Бу ерга мамлакатимизнинг фаол хотин-қизлари, фахрий онахонлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳмонлар ташриф буюрди.

Йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов очди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. Султонов ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова ўз сўзида аёлларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этаётганини, уларнинг миллатимиз ва жамиятимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлари эса ҳукуматимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади, уларни байрами билан қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, ўтган йили илк бор аъло хулқи, зукколиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳасида сезиларли ютуқларга эришаётган бир гуруҳ иқтидорли қизлар ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди. Йиғилишда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимизнинг бу йилги — иккинчи гуруҳига ҳам ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 83-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Диана Мамутова, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Алишер Навоий номидаги 102-ихтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳноза Холмахматова мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, илм олиши, айниқса, талаба ва ўқувчи қизларнинг ўз иқтидорларини тўла намоён этиши учун барча шароит яратиб берилаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов ҳамда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, шунингдек, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари иштирок этди. Тантана катта байрам концерти билан якунланди.

■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

■ (ЎзА)

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Қодир Аллоҳдан ушбу муборак кунларда Сиз, Жаноби Олийларига, биродар Ўзбекистон халқига ва мусулмон уммати халқларига давомий равнақ ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз

Икки масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз ол САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Жазоир халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга биродарона табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Қодир Аллоҳдан ушбу муқаддас онларда барчамизга сиҳат-саломатлик, яхшилик ва баракот, буюк умматимиз халқларига мавжуд тўсиқлар ва келгусида вужудга келиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши туришда уларнинг бирлигини янада мустаҳкамловчи ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва хайр-баракот ато этишини сўрайман.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингизда қардош халқингизга тараққиёт ва фаровонлик ато этишида унинг ўзи Сизни қўллаб-қувватлашини сўрайман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса давомий тараққиёт тилайман.

Чуқур эҳтиром ила

Зоид бин Султон ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингизга эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ ИККИНЧИ,
Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами кириб келиши муносабати билан Сизга ва дўст ўзбек халқига Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар йўллашдан бахтиёрман.

Аллоҳ таолодан Сизга бу қутлуғ байрамни такрор ва такрор кутиш насиб этишини сўраб қоламан. Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилайман.

Башар ал-АСАД,
Сурия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳаж ва у билан боғлиқ тоат-ибодатлар даври кириб келиши муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига табрикларимни йўллайман ва барчангизга қувончли Ийд ал-Адҳо тилайман.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва фаровонлик тилаб йўллаётган табрикларимизни қабул этгайсиз.

Қодир Аллоҳ бутун дунё мусулмонларига тинчлик ва хотиржамлик ато этсин.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

САМИЙИЙ МИННАТДОРЛИК

2000 йил 1-31 август кунлари Японияниг Хиросима шаҳридаги Тинчлик мемориал музейида кўпгина хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари юборган Тинчлик номалари кўргазмаси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов юборган Тинчлик номаси биринчилар қаторида намойиш этилган ушбу кўргазмага 10 мингдан ортиқ япониялик ва хорижий фуқаро ташриф буюрди. Хиросима шаҳри мэри Т.Акиба кўрсатилган эътибор учун эътироф сифатида Президент Ислом Каримов номига миннатдорлик мактуби юборди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Юборган Тинчлик номангиз учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сизнинг кўмагингиз билан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан 38 та Тинчлик номасини олдик. Уларда XXI асрда тинчлик ва умумий ҳамкорликка интилишни қўллаб-қувватлаш истаги ифода этилган.

Илгари хабар берганимиздек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари юборган номалар 2000 йил 1-31 август кунлари Тинчлик мемориал музейида намойиш этилди. Ушбу номалар билан ёнма-ён «Менинг шахсий тинчлик декларациям» номли кўргазмали экспозиция ташкил қилинди. Унда турли мамлакатлар фуқароларининг XXI асрда тинчлик ва тараққиёт хусусидаги тилаклари билдирилган номалари намойиш қилинди. Мемориал музейга ташриф буюрганлар ушбу номалар билан танишиш ва уларнинг муаллифларига ўзларининг самимий миннатдорлигини изҳор этиш имкониятига эга бўлди.

Мен бу лойиҳа инсониятнинг тинчлик йўлидаги интилишларига ёрдам беришига ва XXI асрнинг ядро қуролидан холи тинчлик асри бўлиши йўлидаги дастлабки қадам эканига чин дилдан ишонаман.

Мен Сиздан Тинчлик номасини олган заҳотиёқ ёзмоқчи бўлганим ушбу миннатдорлик мактубининг бир оз кечикканлиги учун узр сўрайман. Мамлакатингиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги ва бошқа барча эзгу ишларингизда муваффақият тилаб билдирган энг яхши тилакларимни қабул этгайсиз.

Самимий эҳтиром ила

Тадатоши АКИБА,
Хиросима шаҳри мэри.

ХАЙРЛИ ИШ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА МУКОФОТ

Бугунги кунда келажагимиз бўлган ёшларнинг камоли учун ҳукуматимиз томонидан нечоғлик катта ғамхўрликлар амалга оширилаётган бир пайтда бу борада эртанги кунимиз эгаларига ўзларининг ёрдамларини аямаётган ташкилот раҳбарлари ҳам ибратли ташаббуслар қилишаётгани қувончлидир.

Ана шундай кишилардан бири — Қаршибой Маматмўминов «Қизириқсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, тадбиркор, тиниб-тинчимас, умум манфаати учун жон куйдириб юрадиган раҳбарлардан. Баъзиларга ўхшаб турмушдан нолимайди, муаммоларни рўкач қилмайди. Ҳар қандай муаммонинг ечимини ўзи топади. У бу лавозимга сайлангунга қадар «Қизириқсавдо» ташкилоти «қулоғигача» қарзга ботган, кўплаб дўконлар эшигига қулф урилган эди. Уч йил ичида Қаршибой жамиятни оёққа турғазди. Янги савдо гузарларини ишга туширди, дўконлар яна ишлай бошлади. Ҳатто, «маблағ йўқ» деб ташлаб кетилган икки қаватли чала иморатни тиклаб, ажойиб идорага айлантирди. Ўтган йили Қаршибойнинг бу ишларини вилоят бўйича йиғилган барча савдо ходимлари кўриб, тасаннолар айтишди.

Нима бўлганда ҳам Қаршибойдай одамлар қаловини топиб, «қорни ёндирадиган» бунёдкорлардир. Аммо, Қаршибой Маматмўминовнинг болаларни севиши, ёшлар камолига эътибори яна ҳам таҳсинга лойиқ.

Тумандаги мактабларни айланиб, шароитни ўрганишга ҳар доим ҳам вақт топади. Мактабда ҳеч бўлмаганда иссиққина ширин чой сотадиган буфет бўлиши лозим, дейди у.

Бир йилдан буён Қаршибой Маматмўминов туман марказидан анча йирокда жойлашган 10-умумий ўрта таълим қишлоқ мактабида таҳсил олаётган аълочи ўқувчилар, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун махсус мукофот ташкил этган. Айрим ташкилотлар, корхона ва хўжаликларнинг «мана-ман» деган раҳбарлари мактабга киришни «шунчаки майда-чуйда иш» деб билиб, мактаб учун бирор хайрли иш қилишни хаёлига ҳам келтирмай турган бир пайтда Қаршибойнинг бу ташаббуси, албатта, ибратли. Чунки ҳар ойда 10 нафар ўқувчига мунтазам равишда «Қизириқсавдо» таъсис этган рағбатлантириш мукофоти топширилади.

Яқинда ана шу мактаб ўқувчилари билан туман халқ таълими бўлими ва жамоатчилик вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ёшларнинг яхши ўқиши, юксак хулқли, ватанпарвар инсонлар бўлиб етишиши учун қимматли маслаҳатлар берилди. Президентимизнинг бу борадаги оқилона ишлари фахр билан тилга олинди. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам ўзларини ўйлантираётган масалалар хусусида сўзладилар, саволларига жавоб олдилар.

Учрашувда «Қизириқсавдо» ҳиссадорлик жамияти жорий этган мукофотлар эгаларига топширилди. Яъни, ўн беш ўқувчининг ҳар бирига 2 минг сўмдан, жами 30 минг сўм пул тарқатилди.

— Бу мактабимизда таълим олаётган фарзандларимизга, қолаверса, маорифимизга эътибордир. Ўқувчиларимиз олишаётган мукофотларига ҳеч бўлмаганда китоб ва бошқа ўқув қуролларини сотиб олишлари мумкин. Икки йилдирки, туманимиз савдо ташкилоти ушбу мукофотларни ойма-ой бериб турибди, миннатдормиз, — дейди мактаб директори Хўжаёр Раҳмонбердиев.

Тадбирда қатнашган ЎзХДП Қизириқ туман кенгашининг биринчи котиби Ч. Алимов шундай деди:

— Қаршибой Маматмўминовга ўхшаган кишилар мустақил Ватанимизда ёшларга бўлган эътибор қатъий давлат сиёсатига айланганлигини, бу ҳаётий масала учун катта ёшдаги ҳар бир киши масъул эканлигини тез илғаб олишмоқда. Зеро, юртимизнинг болалари бегона эмас, улар ҳаммамиз учун азиздир.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЯНГИ СЕБЗОР»НИ ОБОД ЭТИБ

Баҳорий кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари пойтахтнинг «Янги Себзор» маҳалласида ҳам авжида. Кейинги йилларда бунёд этилган кўп қаватли уйлар олдини обод ва файзли этиш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

— Батартиб ўтқазилган манзарали дарахтлар ўрнига мевали ниҳоллар экишни лозим топдик. Ўринсиз панжаралардан ҳам воз кечдик, — дейди «Янги Себзор» таъмир ширкати раиси Зулфира Ғафурова. — Кайковус ва Лабзак ариғидан самарали фойдаланиш учун соҳилларини обод этишни ҳам мўлжаллаганмиз. Ўйлаймизки, яқин келажакда «Янги Себзор» маҳалласи уйлари атрофида ариқлардан сув айқириб, атрофи кўмкўк сўлим бўлади.

■ **Клара АБДУНАЗАРОВА**

ЕР МАЛҲАМИ КЎПАЯДИ

Қизилқум кенгликларидаги Қароқота фосфорит комбинати мустақиллик йилларининг улкан қурилишларидан саналади. Корхона иш бошлаганига 3 йил бўлди. Қисқа даврда комбинат ташкилий-таркибий жиҳатдан юксалиб, фосфорит уни ишлаб чиқариш қарийб икки баробар кўпайди. Ўтган йили фақат бир линия бўйича 600 минг тонна иккиламчи хомашё — ер малҳами ишлаб чиқарилган бўлса, янги аср бошида бу кўрсаткични 1 миллион тоннага етказиш мўлжалланган. Бундай маҳсулот Самарқанд суперфосфат заводига ҳамда Қўқон фосфорит комбинатига етказиб берилмоқда.

Комбинатнинг иккинчи линияси фойдаланишга топширилгач, Қизилқум фосфоритининг мамлакат эҳтиёжидан ортиғини Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистонга ҳам жўнатиш имконияти яратилади.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Наманган туманининг «Шўрқўрғон» деб аталмиш гўзал қишлоғида нафақат вилоятда, балки мамлакатда донг таратган касб-ҳунар коллежи жойлашган. Бу даргоҳга Қундузхон Қодирова раҳбарлик қилади. Опанинг мутахассислиги инглиз тили ўқитувчиси. У халқ таълими аълочиси. Яна бир муҳим жиҳати — араб-форс ва турк тилларини яхши билади. Ироқ, Ҳиндистон, Туркия, Англия, Америка ва Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида ижодий сафарларда бўлган. 1997 йилда Англиядаги Оксфорд университетининг халқаро бизнес академиясини тугатиб, менежментлик соҳасини ўрганган.

Мана энди олган билим, тажрибаларини бу ерда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этяпти. Энг муҳими опанинг орзулари бир олам.

— Иш фаолиятимнинг дастлабки онларида юртбошимиз маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни, коллеждаги мавжуд имкониятларни қайта-қайта ўрганиб, шу асосда ўз истиқбол режамни ишлаб чиқдим, — дейди Қундузхон Қодирова. — Унда соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, иқтидорли кадрларни саралаш, таълим-тарбия олувчилар шароитларини яхшилаш учун коллеж моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бу борада тадбиркорлик, ишбилармонлик қилиш, чет эл мутахассисларини, инвестицияларини ўзимизга жалб этиш, маънавий-маърифий соҳада кўпроқ ишлаш кўзда тутилган. Ниятим битта — ёшлар юрт тақдирини юрагига жойласин, унинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бурчини англаб етсин.

Унинг айтишича, Осиё тараққиёт банки томонидан 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги турли ускуна ва жиҳозлар олиб келиниши режалаштирилган. «Аксельс», «Сорос» халқаро жамғармалари билан келишувга биноан ўқитувчи ва талабалар чет элларда малака ошириши. Ҳозиргача коллеж моддий-техника базаси, ўқув ишлаб чиқариш хўжалиги банк экспертлари назоратидан ўтди. Компьютерлар мажмуи жаҳон «Интернет» алоқа тармоғига уланди. Эндиликда дунёдаги энг тараққий этган 57 та давлат билан бемалол боғланиш имконияти яратилди.

Коллежда ўз касбининг моҳир усталари жамланган. Турсунали Тожиаҳмедов, Садриддин Тўхтаназаров, Саитали Усмонов, Аҳмадулло Алиқулов, Тожимирза Қаҳҳоров, Қамбарали Ўрмонов, Маъсуда Солиева, Мунаввархон Сулаймонова каби маҳоратли касбдошлари ҳақида опа фахрланиб гапирди. Бу ерда 569 нафар талабага 17 нафар муҳандис-педагог, 22 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси, 5 нафар автомобилни бошқаришга ўргатувчи усталар ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатишмоқда. Коллежга айлантирилган дастлабки йили бу ердан 119 нафар ёш ҳаётга йўлланма олган бўлса, жорий йилда яна 189 нафар йигит-қиз қишлоқ хўжалиги тармоқларида ўз билимларини синаб кўради.

Коллежда Фарғона, Андижон, Сирдарё ва Наманган вилоятидан келган ёшлар қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда таъмирлаш, ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш, автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш, молия, бухгалтерия ҳисоби бўйича касб ўрганмоқдалар. Бу ерда 6 та илмий-методик кафедра ишлаб турибди. Бундан ташқари, Наманган муҳандислик-педагогика олийгоҳи билан ҳамкорликда иш ташкил этилаётгани ҳам ижобий самаралар бермоқда. Олийгоҳ малакали ўқитувчилар тайёрлаш, уларни қайта ўқитишда яқиндан ёрдам беряпти. Бундан ташқари илмий изланишлар, ўзаро тажриба алмашишлар, мутахассислар ёрдамида семинарлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Яқинда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ўқув юртлари иштирокида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги йўналишидаги касблар муҳандис-муаллимларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда коллеж тажрибаси кенг оммалаштирилди.

Шуниси қувончлики, коллежда фақат билим бериш билан кифояланиб қолинмайди. 34,5 гектардан иборат тажриба хўжалигида ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили ҳар гектар майдондан 42,5 центнердан, жами 125 тонна пахта етиштирилди. Ана шунинг эвазига 6,5 миллион сўм даромад қилинди. Бу маблағнинг бир қисми талабаларни ижтимоий ҳимоялашга, жумладан, кечки овқатларни бепул ташкил этишга сарфланмоқда.

Ҳа, айтгандай, яна бир янгилик: опанинг айтишича, бу йил тажриба участкасига яна 50 гектар экин майдони қўшилади. Ана шунда коллежнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг олган билимларини амалиётда кенгроқ қўллашларига имкониятлар очилади.

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Суратларда: коллеж директори Қундузхон Қодирова (юқоридан биринчи) ва коллеж ўқитувчи-талабалари фаолиятидан лавҳалар.

■ **Муаллиф олган суратлар**

БИБИХОНИМ ТАРБИЯТИ

Тарихнинг шаҳодатича, соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг оқила завжаси Сароймулкхоним, яъни Бибихоним фарзандлар ва набиралар тарбияти билан шуғулланган. Ўзи фарзанд кўрмаса-да, уларга оналик меҳрини берган, қалбларига садоқат, улусга хизмат қилиш меҳрини жо айлашга ҳаракат қилган. Тарихий воқеалар қанчалик зиддиятларга тўла бўлмасин, бу вафодор аёлнинг номи бугун улуғ саркарда ва давлат арбоби номи билан баравар тилга олинмоқда. Шунинг ўзиёқ улуғ она ва момоларимиз ибрати нечоғлик эканлигидан далолатдир.

Улуғ малика Бибихонимнинг таваллудига 660 йил тўлиши «Оналар ва болалар йили»га тўғри келди. Шу муносабат билан Китоб туман хотин-қизлар қўмитаси, «Олтин мерос» жамғармаси, «Ижодкор аёллар уюшмаси», туман маданият бўлими, ЎзҲДП туман кенгашлари, касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда «Бибихоним маънавияти» кўрик-танловини ўтказишга келишиб олдилар. Мақсад — оналарни улуғлаш, болалар тарбияси, Амир Темур давлатчилигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган улуғ маликанинг фазилатларини ўрганишдир. Танловда иқтидорли аёллар иштирок этадилар.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

2001 ЙИЛ — «ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ»

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

Аёл ҳақида қанча гапирсак оз. Уларни мунис деб ардоқлаймиз. Муштипар онахон, деб эъзозлаймиз. Бирор бир асар ёки бадиа борми, унда хотин-қизлар тилга олинмаган, мадҳ этилмаган бўлса. Давлатимиз мустақилликка эришгач, хотин-қизларимиз янада кўпроқ иззат-икром топдилар. Дастлаб таъсис этилган орденнинг «Соғлом авлод» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Ахир, соғлом авлодни, келажагимиз бўлган ёшларни соғ оналар дунёга келтирадилар-да.

Аброр Ҳидоятов номли театр биносининг муҳташам залига йиғилган табаррук онахонлару мунис опажонларнинг кўнгилларида шодлик, ҳис-ҳаяжон. Чунки бугун орзиқиб кутилган учрашув. Саҳнага юз-кўзларидан нур таралиб турган ажойиб инсон, мўътабар онахон Ўлмасой опа Толипова ташриф буюрганида зални уни олқишловчи қарсаклар тутиб кетди.

Сирғали тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оналар ва болалар йили» муносабати билан ўтказилган бу тадбирга тумандаги энг ибратли, бахтли оилалардан бири — «Чоштепа» маҳалласида яшовчи Ўлмасой опа таклиф этилганди.

Дарҳақиқат, бугунги учрашувга бу оиланинг танланиши бежиз эмас. Чунки бу хонадон соҳибию соҳибасини барча яхши танийди,иззат-икромини жойига қўяди. Тўғри, бу маҳаллада барча ибрат қилса арзигулик, узоқ йиллардан бери аҳилликда яшаб, ҳалол меҳнати билан комил фарзандлар ўстираётган сулолалар — Охуновлар, Қурбоновлар, Муҳсимовлар каби оилалар кўп. Аммо ўзининг меҳнаткашлиги, ташкилотчилиги билан барчадан ажралиб турадиган бу онахонни бугун ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Ўлмасой опа Толипова «Эркин» қишлоғида таваллуд топди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, ёшлигидан орзу қилгани — тикувчилик ҳунарини қунт билан ўрганди. Зеҳни ўткирлиги, тиккан кўйлакларининг бежиримлиги учун 1960 йилда ўтказилган кўрик-танловда қатнашиб ғолиб бўлган. Ўшанда бу ҳақда қатор газета ва журнал саҳифаларида турли хил суратли мақолалар берилди.

Ўлмасой опа мана қирқ йилдирки, турмуш ўртоғи Жўра Толипов билан аҳиллиқда яшаб, тўрт фарзандини оқ ювиб, оқ тараб, элга хизмат қиладиган, ҳаётга ишонч билан қарайдиган, сабр-матонатли қилиб тарбиялашди. Ўғиллари Исмоилжон, Исроилжон, Маъруфжон ва Музаффаржонлар ота-оналари орзу қилганидек одобли, илмли ва меҳнаткаш бўлиб вояга етишди. Яхши орзу-ҳаваслар билан тўйлар қилиб, уларни уйлантирдилар, уй-жойли қилдилар. Мумол фарзандларни тарбиялаб бераётган Ўлмасой опадек аёлларимизни эъзозлашимиз, қадрлашимиз керак, — дейди Сирғали тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Арипова ҳокимлик ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг эсдалик совғаларини топшираркан. — Шуниси қувончлики, Ўлмасой опа бир неча маротаба туман ва шаҳар миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Бундан ташқари, ғайратли, шижоатли бу аёл маҳаллада ўтказиладиган барча тадбирларда, маъракаларда маслаҳатгўй, бошқош. Узоқ йиллар давомида 32-мактабда ота-оналар қўмитаси аъзоси сифатида

қаддасхон, Дамирахон,Орастахон ва Нодирахонлар қайноналарига ўхшаб маҳаллақўйда обрў-эътиборли келинлардан бўлдилар. Бугунги кунда тўрт келин, тўққиз неварани буви ва бувожониси бўлишди.

— Туманимизда 33 та маҳалла бор. Унда 60 мингдан ортиқ оила истиқомат қилиб, шулардан 80 мингги хотин-қизлардир. Хотин-қизларимиз фаоллигини ошириш мақсадида жойларда «Экология ва аёллар саломатлиги», «Аёл — меҳр булоғи, фарзанд — ҳаёт чироғи» каби тадбирлар, «Бахтли оила»,«Намунали қайнона» кўрик-танловларини уюштирдик. Бугунги кунда жамиятимиз тараққиётига ўзининг самарали меҳнати, шижоати, фидокорлиги билан ҳисса қўшаётган баркаталай ишларни амалга оширишда ёрдам бериб келди.

Ўлмасой опа адабиётга, санъатга меҳр қўйганлиги туфайли шеъриятга, қўшиқ куйлашга шайдо. Ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб туради. Аёллар даврасида айтган халқ қўшиқлари, мақомлар, лапарлар, ёр-ёрлар, ўланлар, аллаю келин саломларнинг адоғи йўқдек. Шу куни онахон йиғилганларга азиз маҳалласи, қадрдонлари, муқаддас она-Ватани ҳақидаги, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат мавзуида ёзган шеърларини ўқиб берганида залдагилар ҳаяжонланиб кетди.

Ўлмасой опанинг яна бир орзуси ушалмоқда. У ҳамюртларимиз қатори Жўра ака билан муқаддас Ҳаж амалларини бажаришмоқда.

■ **Умида МАНСУРОВА**

НУРЧИЛАР МАДАДИ

Боёвут туманидаги Т.Латипов номли ширкат хўжалиги ҳудудида 5600 дан зиёд аҳоли яшайди. Лекин фойдали экин майдони атиги 1064 гектарни ташкил этади, холос. Бундай шароитда ҳар қарич ер ҳисобда экани ўз-ўзидан аён, албатта. Бунинг устига сўнгги йилларда хўжаликда баъзи экинзорларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётир.

Ширкат хўжалигининг Жўлангар қишлоғини олайлик. Мазкур қишлоқда 150 га яқин оила истиқомат қилади. Аксарият оилаларнинг 30 гектарлик томорқаси бор. Аммо ернинг ўта шўрлангани туфайли мана бир неча йилдирки, айтарлик экин битмаётир. Қишлоқ атрофидаги 90 гектарлик майдонда аҳвол бундан ҳам аянчлидир.

Ширкат хўжалигининг, шунингдек, Пастқи Сармич қишлоғидаги 38 гектарлик экин майдонларида ҳосилдорлик гектар бошига 15-16 центнердан ошмаётир. Ваҳоланки, бир вақтлар худди шу майдонлардан 30 центнердан ошириб пахта ҳосили олинар эди.

Ширкат хўжалиги раиси Турдимурод Турсунмуродовнинг таъкидлашича, ерларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда Сирдарё ГРЭС нурчилари уларга ана шу муаммоларни ҳал этишда ёрдам берадиган бўлдилар. Ўзаро келишувга асосан ана шу ҳар икки қишлоқ ҳудудида 3,5 километрга яқин янги зовурлар қазишга киришилди. Бу эса экин майдонларини ва аҳоли турар-жой ва экинзорлар ҳолатини тубдан яхшилаш имконини беради. Айниқса, хўжаликка қўшни бўлган Сирдарё ГРЭСи жамоасининг мададидан жамоа аҳли ғоят миннатдор бўлмоқда.

■ **Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

УРУҒЛИК ТАЙЁР

Самарқанд вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси тизимидаги корхоналар томонидан 2000 йилда тайёрланган пахта хомашёси қайта ишланиб, мамлакат эҳтиёжидан ортиғи 31115 тонна тола хорижий истеъмолчиларга экспорт қилинди.

Вилоятдаги 1880 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ва 238 фермер хўжаликлари «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси билан жорий йилда 243 минг тонна пахта етиштириш бўйича шартнома имзолашган.

Вилоят ҳокимлиги уруғлик чигитни тайёрлаш сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда. 12 та дорилаш, 3 та туксизлантириш цехлари етказилиб берилмоқда.

— Уруғликни тайёрлашда, айниқса, «Митан», «Зиёдин», Жума, Челак, Жомбой пахтани қайта ишлаш корхоналари жамоаси намунали ишладилар, — дейди вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси раиси ўринбосари А. Умаров. — Айтиш жоизки, бу тизимда меҳнат қилаётганлар бир вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги билан ажралиб туради.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ОГОҲЛИК ОРТИДАГИ ЗАРУРАТ

Мўътабар Тожибоеванинг «Огоҳ бўлайлик» номли китоби Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марғилон шаҳар «Зуҳро» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти қошида ташкил топган «Ўтюраклар» клуби фаолияти ва мақсад-вазифаларини ўзида мужассам этган. Аввало «Ўтюраклар» клуби ҳақида. Клуб ташкил топгандан буён кўп фурсат ўтмаган бўлса-да, ўтган давр мобайнида қатор муваффақиятларга эришилди. Клубнинг улкан мақсадларини унинг шиори ҳам кўрсатиб турибди: «Биз жамиятимизда учрайдиган ҳар қандай иллатга қарши курашамиз — биз огоҳмиз!»

Ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб то бугунги кунга қадар ёшлар тарбияси ва уларни баркамол этиб вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашиб келаётган Ўзбекистон давлати шароитида ёшларни бирлаштирадиган, интилишларига фаоллик бахш этадиган, уларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган «Ўтюраклар» клуби сингари ёшлар тузилмаларига эҳтиёж жуда катта. Юртбошимизнинг «Камолот» ёшларнинг ижтимоий ҳаракатини тузиш ҳақидаги ташаббуслари ҳам жамият олдимизга қўяётган зарурат натижаси ўлароқ майдонга чиқди. Атрофимизда мафкуралар кураши кечаётган, ташқи таъсирлар ўзини яққолроқ намоён этишга интилаётган бугунги кунда «Ўтюраклар» клуби ёшлар ўртасида илдиз отаётган диний экстремизм, гиёҳвандлик, жиноятчилик каби салбий омилларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Бу йўлда тарбиянинг таъсирчан усулларидан, амалий машғулот шакллари ва тасвирий воситалардан унумли фойдаланилмоқда. Зотан, ёш авлод онгига тасвирий воситалар орқали таъсир этиш тез ва унумли кечади.

«Ўтюраклар» клубининг бевосита ташаббускори ва раҳбари бўлган, Ўзбекистон ХДП фаол аъзоларидан бири Мўътабар Тожибоеванинг ушбу китоби клуб олиб бораётган тарғибот ишларининг ҳосиласи десак хато бўлмайди. Унда юртимиз эришаётган муваффақиятлар, ўн йил давомида амалга оширилган ислоҳотлар, одамларимиз онгида юз бераётган фикрий янгиланиш жараёнлари, том маънода, миллий тикланиш даври бутун кўлами билан акс этган. «Мустақиллик ҳар бир нарсага — юртимизнинг гиёҳидан тортиб тоғларигача — бари-барисига меники деб қарашни ўргатди», — дейилади китобда.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол бизга улкан имкониятлар яратиб берди. Халқимизнинг миллий қиёфаси тикланди. Қачонлардир оёқости қилинган қадриятларимиз, буюк аждодларимиз бағримизга қайтмоқда. Лекин биз бу улуғвор имкониятларнинг, тушунчаларнинг аҳамиятини бутунлигича англай олаяпмизми? Миллионлаб инсонларнинг орзуси бўлган озодлик қадрига етаяпмизми? Озодликка раҳна солаётган кучларга қарши курашиш йўлида бирлаша олдикми? Тан олиш керакки, ташқи таъсирлар домига тушиб қолаётганлар орамизда ҳали ҳам мавжуд. Юртимиз тинчлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ХАВФ олдида бирлашишимиз, бошқача айтганда, ОГОҲ бўлишимиз керак.

Муаллиф ўз китобида бу долзарб мавзуга алоҳида эътибор қаратган. Аҳолининг барча қатламларини, хусусан, маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, зиёлилар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ўқув муассасалари раҳбарларини фаолликка, бефарқ бўлмасликка чақиради. Мустақиллик имкониятлари бебаҳо қадрият эканлигини асослашга интилади. Шу йўл билан ўқувчида ўзига нисбатан ишонч уйғотади.

Яна бир ибратли жиҳати, китоб мулоҳазалар баёнидан иборат бўлибгина қолмай, ҳар хил жадваллар, намунавий шаклларни ҳам ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида ўқувчига енгиллик туғдиради. Бундай оммабоп нашрларни чоп этиш бугунги кунимиз талаб этаётган ва кечиктириб бўлмайдиган зарурат десак янглишмаймиз.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ДИЛЛАР СУҲБАТИ

ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгашида «Истиқбол» ёшлар клубини тузиш масаласида ташкилот, корхона, маҳалла, мактаб ва болалар боғчаси бошланғич партия ташкилотлари котиблари, маънавият ва маърифат бўйича раҳбар муовинлари, иқтидорли ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Маърузачи — ЎзХДП МК котиби, МК ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби раиси А. Рустамов клубнинг мақсад ва вазифалари, унинг Низоми тўғрисида ҳамда клуб фаолияти, йўналишлари ҳақида тўхталди ва берилган саволларга атрофлича жавоб берди.

Давра суҳбатида 445-сон болалар боғчаси, 59, 115-сон ўрта мактаб, Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртининг ёш вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

■ **Б. ҒОЙИБОВ,**
ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши иккинчи котиби

ХОТИРА ТУРНИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Хазорасп тумани касб-ҳунар коллежида Бекчонбой Усмонов хотирасига бағишлаб шахмат турнири ўтказилди. Касби ўқитувчилик бўлган Б. Усмонов ўзининг қисқа умрини шахматга бўлган қизиқиши билан мазмунга тўлдирган инсон эди. У узоқ йиллар вилоят биринчиликларида фахрли ўринни эгаллаганди. Хотира турнирини туман ҳокими Ботир Раҳимов очди ва мусобақаларга ташриф буюрган 70 нафардан ортиқ қатнашчиларга омад тилади.

Икки кун давом этган қизғин мусобақада урганчлик спорт устаси Неъмат Иброҳимов ғолиб бўлди. Болтабой Қосимов, Ўктам Полвоновлар фахрли ўринларни эгаллашди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби Тоҳир Шокиров ташаббуси, тадбиркор Бахтиёр Шерматов ва марҳумнинг яқинлари ҳомийлигида ўтказилган хотира турнири энди анъанага айланишига мутлақ ишонч бор.

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНАЙЛИК

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгаши ташаббуси билан «Иккиламчи рангли металл» очиқ акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича давра суҳбати бўлди. — Мақсад фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиш, қонунларга риоя қилишига эришиш, — деди туман кенгашининг биринчи котибаси Л. Исматова.

Шундан сўнг йиғилишга таклиф қилинган Олий Мажлис бўлим мудири Маъруф Усмонов Конституциямизнинг ҳар бир моддасини бирма-бир тушунтириб берди. Меҳнат қилиш, билим олиш ҳуқуқлари ҳақида, ҳарбий хизмат бўйича фуқаролар билан қизғин савол-жавоблар бўлди. Шунингдек, солиқ тизими ҳақида жуда кўп савол ва таклифлар тушди.

■ **Мукаррам ХУДОЙБЕРДИЕВА**

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ
КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ
ЮРИДИК ТАЪЛИМ БЎЙИЧА ЎҚУВ ДАРСЛИКЛАРИНИ
ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА НАШР ҚИЛИШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, олий юридик маълумотга эга бўлган муаллифлар иштирок этишлари мумкин.
Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

1. **Ариза**
2. **Муаллиф ҳақида маълумот**
3. **Нашрга тайёрланган қўлёзманинг якуний нусхаси**
4. **Ўқув юрти илмий кенгашининг қўлёзмани нашрга тавсия этиш тўғрисидаги қарори**
5. **Икки дона тақриз**
6. **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари ўртасида илмий услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори**

Тақдим этиладиган қўлёзма аввал нашр қилинмаган ва нашриётларга тақдим этилмаган бўлиши керак.
Тақдим этилган ҳужжатлар муаллифга қайтариб берилмайди.

Тўлиқ маълумот ва ариза нусхасини олиш учун Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Зарбоғ кўчаси, 31-уй. (Мўлжал: «Россия» меҳмонхонаси)
Тел/факс.: 120-68-54, 152-27-41, 152-36-98, 152-39-15, 152-39-16, 152-39-98, 152-39-33
E-mail: Jumanazar @osi.uz ёки jasur @osi.uz

ҲУЖЖАТЛАР 2001 ЙИЛНИНГ 31 ИЮНИГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ПАКАНАЛИК СИРЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Хайфнинг (Исроил) «Бней цион» тиббиёт маркази қошидаги Шимон Виктера номли генетика институти олимлари ҳомиланинг генетик бузилиши — туғма паканаликни аниқлаш услубини ишлаб чиқдилар.

Паканалик генетик бузилиш оқибати, яъни бола организмида ўсиш гормони ишлаб чиқилишининг тормозланиши натижасидир. Касаллик наслдан-наслга ўтади, бироқ лилипут болалар рисоладагидек ота-онадан ҳам туғилиши мумкин. Ушбу касалликка чалинган болаларда скелет ривожланиши тўхтайди ва улар вояга етганда ҳам бўйлари кичкиналигича қолаверади.

Профессор Цви Борохович бошчилигида олиб борилган тадқиқотлар бундай касалликни илк кўринишларидаёқ аниқлаш имконини беради. Бу янги усул ультратовуш ва цитологик таҳлилни ўз ичига олади.



«КЕЧА ДАФН ҚИЛИНГАНДИ-КУ...»

Бразилиянинг Баури қишлоғида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Бир кун аввал дафн қилинган Аролду Феррейра ҳеч нарса бўлмагандек қишлоқ кўчасидан кетиб борар эди. Тирик мурдани кўрган қишлоқдоши анча вақт ўзига келолмай қолди, сўнгра қариндош-уруғларига хабар қилиш учун югурди.

Бироздан кейин уни маҳаллий барларнинг бирида маст ҳолда кўришди. Одамлар етиб келгач, гап нимадалигини билган Аролду аввалига жанжал бошламоқчи бўлди, сўнгра ўзининг руҳи ҳурмати «юзта-юзта отиш»ни таклиф қилди.

Аролдунинг «ўлими» аслида қуйидагича бўлган эди. У икки ҳафта илгари қўшни қишлоққа меҳмонга кетган вақтда ҳамқишлоқлари қишлоқ чеккасидан бир жасадни топган. Жасад кимники экани аниқланмагач, у Аролдуники деб тахмин қилинди ва қайғу билан дафн этилди.

Тирилган мурданинг ҳақиқий ташвиши шундан кейин бошланди. Биринчидан, у хешларидан аввал ўзининг ўлганлиги ҳақида берган кўрсатмаларини қайтиб олиши учун ариза йиғиши лозим. Иккинчидан, собиқ «марҳум» маҳаллий ҳокимият томонидан унинг ўлганлиги ҳақида берилган гувоҳномани бекор қилдириши керак. Ҳаммасидан ҳам Аролду Феррейрага алам қиладиган томони шуки, дафн маросимига унинг анчадан буён йиғиб келаётган пулини сарфлаб юборишган.

ГОЛЛАНДИЯ. МАСС ДАРЁСИ

■ **Владимир ПАНОВ олган сурат**

БАЛИҚДАН... ДОРИ ОЛИНАДИ

Вейцман институтининг тизим биологияси бўлимида альцгеймер (қарилик склерози деб ҳам аталади) касаллигини даволашга имкон берувчи муҳим ихтиро яратилди. Бу ихтиро исроиллик олимлар билан бирга Англия агрокимё институти ва Франциядаги Тиббий бирикмалар кимёси институти жамоаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Қарилик склерози оқибатида беморлар хотираси умуман йўқолади. Касаллик 70 ёшдан катта бўлган кишиларнинг ҳар ўнтасидан бирида учрайди. Шу пайтгача альцгеймер касаллиги тузатиб бўлмасдек ҳисобланарди.

Исроиллик олимлар ушбу касалликнинг ривожланиш механизми биокимёвий табиатга эга эканлигини аниқлашди. У бош мияда мия ҳужайралари (нейронларнинг) ишини рағбатлантирувчи алоҳида фермент ацетилхолин эстераза ишлаб чиқарилиши камайиши билан боғлиқ.

Бу тадқиқот лойиҳасида доктор Гарри Гринблат бошчилигидаги исроиллик доктор Гитай Кригер, профессор Иоэль Зисман, шунингдек, англиялик мутахассис доктор Тедди Льюислар иштирок этди.

Тадқиқотчилар балиқларнинг ҳужайраларидан одам мияси ўзида етишмаётган ферментни ишлаб чиқара бошлашини рағбатлантирувчи галантамин моддасини ажратиб олишга муваффақ бўлдилар. Олимлар олинган модда асосида альцгеймер касаллигини даволовчи дори яратиш мумкинлигига умид қилмоқдалар. Лекин ҳозирча галантаминни одам организмига киритганда юзага келиши мумкин бўлган иккинчи даражали эффектлар ўрганилмаган.

Исроиллик олимлар ишида институт дастурловчилари томонидан яратилган ацетилхолинэхстер ферментининг молекуляр тузилишини аниқ кўрсатувчи компьютердаги ўзига хос уч ўлчамли модели жуда катта ёрдам берди.

440 ТАДАН 5 ТАСИ АНИҚ ЧИҚҚАН

Польшада фолбинларнинг обрўсига путур етди. Яқинда полиция маҳкамаси қотилликни топишда фолбинлар берган маълумотдан фойдаланишнинг натижалари ҳақида ҳисобот эълон қилди. Маълум бўлишича, фолбинлар 1994 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда рўй берган 440 жиноий ишнинг атиги бештасини аниқ айтиб бера олган. Полициячиларнинг таъкидлашича, фолбинлар кўпроқ миш-мишларга таяниб хулоса чиқаради.

«БЕКТЕМИР УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИГА ХАБАР БЕРАДИ: Тошкент шаҳар Давлат мулк бошқармасида 2001 йил 23 февраль куни Q 0174-сонли рўйхатдан ўтказилган эмиссия проспекти ҳақида

МАЪЛУМОТ

Эмитент тўлиқ номи: «BEKTEMIR UNIVERSAL BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти.
Эмитент қисқа номи: «BEKTEMIR UNIVERSAL BOZORI» ОАЖ
Эмитент ҳуқуқий тузилиши шакли: акциядорлик жамияти
Ҳуқуқий адреси: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700002, Бектемир тумани, «Қўйлиқ» деҳқон майдони.
Хизмат кўрсатаётган банк номи ва жойлашган жойи: ЎзЖСБ Меҳнат бўлими.
Ҳисоб рақами ва МФО: х/р 20208000403406552001, МФО 00423
Рўйхатга олган давлат идораси номи, рўйхатга олиш куни ва рақами: Бектемир туман ҳокимлиги, 24 май 1996 йил № 259-сон.
Қимматли қоғозлар чиқарилган куни ва рақами: 14-1-172 21.05.96 йил ва 14-1-172/2 17.06.1998 йил.
Белгиланган асосий иш фаолияти: бозор савдосини ташкил қилиш.
Қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумот: йўқ қилинган акциялар ўрнига ҳозиргиси чиқарилмоқда.

Акциялар жойлаштирилиши тартиби:

Чиқарилган акциялар умумий миқдори		Тошкент шаҳар ҳокимлиги улуши		Бошқа акциядорлар акциялари		Очиқ равишдаги савдога чиқарилган акциялар	
%	Миқдори	%	Миқдори	%	Миқдори	%	Миқдори
100	322006	51	164223	3.087	9939	45.913	147844

а) чиқарилган акциялар умумий миқдори (номинал нархи бўйича), сўм: 322.006 минг сўм (уч юз йигирма икки миллион олти минг сўм);
б) чиқарилган қимматли қоғозлар сони (шакли): оддий акция, улардан:
кўрсатиш ҳақли акциялар сони: йўқ
оддий номли акциялар: 322006 дона
имтиёзли номли акциялар: йўқ
в) чиқарилган қимматли қоғозлар умумий миқдори: 322006 дона
г) битта қимматли қоғоз номинали: 1000 сўм.
Янги эмиссия қилиш қарори: 26 август 2000 йилда умумий мажлисда қабул қилинган.
Янги акцияларни тарқатиш жараёни 23 февраль 2001 йилдан бошланади.
Янги акциялар икки ой ичида тарқатилади.
Ҳамма сотиб олиш ҳуқуқи бор.
Акцияларни Тошкент шаҳар, 700002, Бектемир тумани, «Қўйлиқ» деҳқон майдонида сотиб олиш мумкин.
Акциялар бўйича дивиденд умумий мажлисда қабул қилинган қарор асосида олиш мумкин (ҳар чоракда, бир йилда бир маротаба).
Акциялар нақдсиз шаклда чиқазилмоқда ва Марказий депозитарийда сақланмоқда.
Акцияларга бўлган ҳақ-ҳуқуқлар рўйхатини АЖ «ТРЕПАНГ» депозитарий олиб боради.

ВНИМАНИЮ ДЕЛОВЫХ ЛЮДЕЙ И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ!

РЕСПУБЛИКАНСКАЯ БИРЖА НЕДВИЖИМОСТИ

Республиканская биржа недвижимости

приглашает вас на аукционные торги, которые состоятся в биржевом центре 9 и 23 марта в 11 часов. На торги выставляются объекты социальной сферы и незавершенного строительства, расположенные на территории Республики Узбекистан.

НА ТЕРРИТОРИИ КАРАКАЛПАКСТАНА:

● Одноэтажное здание столовой ОАО «Нукусский завод железобетонных конструкций», расположенное по адресу: г. Нукус, поселок Кизкеткен. Построено в 1982 году, общая площадь 1440 кв. м. Начальная цена продажи **4 142 008** сум.

● Одноэтажное здание столовой АО «Берунийский завод железобетонных конструкций», расположенное по адресу: г. Беруни, ул. Хоразм. Построено в 1991 году, общая площадь 550 кв. м. Начальная цена продажи **2 357 021** сум.

● Одноэтажное здание объединенной механизированной колонны, расположенное по адресу: г. Бустон, улица Беруни. Построено в 1990 году из жженого кирпича, общая площадь 110 кв. м. Начальная цена продажи **643 210** сум.

● Одноэтажное здание столовой АО «ККСМАП», расположенное по адресу: г. Нукус, улица Проектная. Построено в 1976 году, общая площадь 160 кв. м. Начальная цена продажи **3 090 634** сум.

● Одноэтажное здание столовой АО объединенной механизированной колонны «Электромонтаж», расположенное по адресу: г. Нукус. Построено в 1992 году. Начальная цена продажи **572 720** сум.

● Одноэтажное здание столовой АО объединенной механизированной колонны «Тахтакупир», расположенное по адресу: п. Тахтакупир, Тахтакупирский район. Построено в 1991 году. Начальная цена продажи **273 920** сум.

● Одноэтажное здание службы быта (столовой) автоколонны (ПСО АСВС), расположенное по адресу: г. Нукус, поселок Кизкеткен. Построено в 1989 году, общая площадь 84 кв. м. Начальная цена продажи **1 172 713** сум.

● Одноэтажное здание столовой АО «Каратау норуда», расположенное по адресу: г. Нукус, поселок Каратау. Построено в 1988 году из жженого кирпича. Начальная цена продажи **391 055** сум.

● Одноэтажное здание бани АО «Электроаппарат», расположенное по адресу: г. Тахиаташ, улица Бабанова. Построено в 1976 году из жженого кирпича, общая площадь 24 кв. м. Начальная цена продажи **71 635** сум.

● Одноэтажное здание клуба АО «Электроаппарат», расположенное по адресу: г. Тахиаташ, улица Бабанова. Построено в 1976 году из жженого кирпича, общая площадь 600 кв. м. Начальная цена продажи **1 510 046** сум.

НА ТЕРРИТОРИИ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ:

● Одноэтажное здание столовой МТП «Улугнор», расположенное в центре Улугнорского района. Площадь 96 кв. м. Начальная цена продажи **495 781** сум.

● Недостроенное здание магазина МТП Жалолкудука, расположенное в центре Жалолкудукского района. Строительство началось в 1991 году. Площадь 396 кв. м. Начальная цена продажи 6 **126 324** сум.

Объекты незавершенного строительства АО «Андижанкурилиш»:

А) Оздоровительный комплекс для детей на 320 мест, расположенный в Хужаабадском районе, поселке Имом-ота. Объект состоит из трех спальных блоков, столовой 1220 кв. м., медпункта. Строительство началось в 1991 году. Земельная площадь объекта 5,17 га, в том числе площадь под застройки 0,70 га. Начальная цена продажи **6 486 805** сум.

Б) Бетонорастворный узел, расположенный на территории базы ПМК-10 в г. Асака. Полностью возведены стены здания, произведена установка технологических механизмов и труб. Начальная цена продажи **6 594 458** сум.

В) 4-этажный 42-квартирный жилой дом с магазином (жилая площадь 2898 кв.м, площадь магазина 360 кв. м), расположенный по адресу: г. Андижан. Подготовлен котлован под здание, гравийная основа, начато возведение стен. Занимаемая площадь под строительство 0,48 га, площадь застройки 0,15 га. Начальная цена продажи **3 151 169** сум.

НА ТЕРРИТОРИИ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ:

● Объект незавершенного строительства, 24-квартирный жилой дом, находящийся на балансе МТП Учкурганского района, расположенный в г. Учкурган, улица Абдуллаева. Завершено строительства подвала. Возведены части стены первого этажа из жженого кирпича. Начальная цена продажи **6 125 252** сум.

● Недостроенное здание детского сада на 140 мест на балансе АО «Наманганкекстиль», расположенное по адресу: Чартакский район, кишлак Хизратишо. Строительство частично производилось в 1992-1994 годах из жженого кирпича. Начальная цена продажи **2 615 817** сум.

● Недостроенное здание текстильной фабрики на балансе АО «Наманганкекстиль», расположенное по адресу: Норинский район, г. Хаккулобод. Строительство частично производилось в 1992-1994 годах. Начальная цена продажи **4 691 713** сум.

НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ:

● Одноэтажное здание профилактория на 37 комнат на балансе ОАО «8 Марта», расположенное по адресу: г. Самарканд, улица М. Кашгари, 20. Построено в 1940 году. Общая площадь 0,33 га. Начальная цена продажи **8 407 100** сум.

● Одноэтажное здание профилактория на 80 мест из железобетона ОАО «19-ХАТП», расположенное по адресу: Сиабский район, поселок Фарход. Общая площадь 1500 кв. м. Начальная цена продажи **7 285 100** сум.

● Одноэтажное здание столовой ОАО «9-ХАТП», расположенное по адресу: г. Самарканд, улица Рудаки, 179. Построено в 1989 году. Общая площадь 243 кв. м. Начальная цена продажи **5 437 300** сум.

● Двухэтажное здание Каттакурганского отделения ОАО ПМК-12, расположенное по адресу: г. Каттакурган, улица У. Хайяма, 7. Общая площадь 151 кв. м, одноэтажное подсобное помещение площадью 687,7 кв.м, двор 1 га. Построено в 1974 году. Начальная цена продажи **6 343 700** сум.

НА ТЕРРИТОРИИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ:

● Подсобное помещение предприятия им. Р. Гаипова (полевой стан) общей площадью 5600 кв. м (полезная площадь составляет 425 кв. м), одноэтажное. Расположено в Ургенчском районе. Начальная цена продажи **904 700** сум.

Предприниматели и иностранные инвесторы могут обращаться за дополнительными сведениями по интересующим объектам на Республиканскую биржу недвижимости.

НАШ АДРЕС: г. Ташкент, улица Бухоро, 10, Республиканский биржевой центр, 3-й этаж, офис 44.
Республиканская биржа недвижимости.
ТЕЛЕФОНЫ: 136-26-26, 136-28-75.
ВНУТРЕННИЙ-153. Факс: 136-06-17.

ЗАНГОРИ ФАСЛ МУШОИРАСИ

АЁЛ ЭНГ АВВАЛО ОНАДИР ҮЛУГ, МИНГ БИР МАШАҚҚАТНИ ЕНГИБ ҮТОЛГАН

ОСМОН КЎЗЛАРИМДА КЕНГАЙДИ ЯНА

Осмон кўзларимда кенгайди яна,
Чексизлик юракка хос ифодадир.
Сочларимнинг оқин бормоқда санаб
Умр деб аталмиш юлдуздаги сир...

Кенгликлар нақадар мусаффо ва тинч
Зумрад хаёлларга чулғанган олам.
Бундай озодликни кўрганмисан ҳеч —
Юрак, қандай енгил учмоқда илҳом!

Эркалар тошларнинг оғир бошларин
Улкан мовий кўлнинг сокин мавжлари.
Тоғ бўлиб юксалган бардошларимнинг
Руҳида оромнинг тиниқ авжлари.

Қирлар елкасига қўл ташлаб хуррам
Булутлар — шовуллаб тўкилган ҳовур.
Юлдузли изингни топдимми, эркам,
Мени кенгликларга чорлагин, ёмғир!..

■ Ойгул СУЮНДИКОВА

МЕНИ ҲЕЧ КИМ ДАРАХТЛАРДАЙ СУЙМАГАН

Мени ҳеч ким дарахтлардай суймаган,
Ўртамизда асрлар — икки қирғоқ,
Қулоғимга шивирлашдан тўймаган,
Алп чинорнинг бандидаги ҳар япроқ.

Унар ёниқ кўзларимда ҳайратлар,
Тераклардан баланд-баланд киприкман.
Сен, эй сокин кўнгилда боғ яратган
Соғинч — денгиз, ҳали-ҳануз тирикман.

Ёниқ дарднинг дарчасидан ой боқар,
Синиқ қалбнинг беланчаги узра жим.
Оппоқ дарахт ой нуридан ёй тақар,
Кўк денгизда хазонларим сузар жим.

Лабларимни жуфтлаштирмас ол титроқ,
Шитир-шитир, резгиларда ўйнаган
Сиздан узоқ, дунёдан — икки қирғоқ
Мени ҳеч ким дарахтлардай суймаган.

■ ШАҲРИБОНУ

БЕГОНА ҚИЗ ДЕМАГИН МЕНИ

Биламан, ўртада масофа узоқ,
Ёлғон иғволардан қўйилди тузоқ,
Сабрим огоҳларинг тугасин тезроқ,
Фақат... бегона қиз демагин мени.

Кўнгил даргоҳига сарбон дегандим,
Кўз ёшдан бахтимнинг қасрин қургандим,
Билмайсан боримни сенга бергандим,
Фақат... афсона қиз демагин мени.

Ҳаёт ўйинига бўлмагин эртак,
Улар ошиқларни қилурлар эрмак,
Қийин экан асли дилга дил бермоқ,
Фақат... парвона қиз демагин мени.

Паризод эмасман афсун битгани,
Қалдирғоч эмасман парвоз этгани,
Тушун, ўзинг эдинг ёлғиз суйганим,
Фақат... девона қиз демагин мени.

■ Дилноза БЕГИМ,
ЎзМУ магистратура талабаси

ЮРТ КЎРКИ

Ҳар кимнинг ўз уйи, ўлан тўшаги
Тўғилиб кўз юмар макони бўлар.
Бу тупроқ заминнинг олтин бешиги,
Ундан айро тушсам паймонам тўлар.
Юрак томиримга пайванд бу маскан,
Унда боболарим хоки ётибди.
Етмиш йил қарамлик тунидан кейин
Шукр, мустақиллик тонги отибди.
Қафасдан қутулган қушча мисоли
Неки вужуд балки руҳим ҳам озод.
Бугун она-юртим қадди камолин
Завқидан тошаман, кўнглим бўлиб шод.

■ Шаҳло БЕКЧОНОВА,
Беруний шаҳри

ТИЛАК

Инсон дегани шарафдир, шараф
Сўзланг доим кўнгилга қараб
Озор берманг зинҳор бесабаб
Жаннатий бўлсангиз ажабмас.

Бирон бир сўз айтмоқдан аввал
Чуқур ўйлаб кўринг, безарар
Зар қадрини билади заргар
Жаннатий бўлсангиз ажабмас.

Боқманг унинг усту бошига
Боқинг олдин кўнгил ёшига
Айлансангиз сиз сирдошига
Жаннатий бўлсангиз ажабмас.

Шоир тилар фақат эзгулик
Туҳфа айланг инсонга шодлик
Дунё ахир, дўстим, беш кунлик
Жаннатий бўлсангиз ажабмас.

■ Маъсуда БУРҲОНОВА

ОРЗУ ВА АРМОН

Қалбим тубидаги орзуларимни
мен битмоқ истадим шеърларимда.
Аммо уни тополмадим
қалбамга кириб.

Қалбамда
гулхан қолдиқларини титкилаб,
бир Армон ўтирибди
маъсум ва маъюс.

Сўрадим ундан:
нечун бунда ёлғизсан, Армон?
У дедики:
олов тафти қуйдирибди
орзуларингни.
Сукунат ўзи нима?

Сукунат гул қаддингни
дол айлаган бардошдир.

Мусибат ўзи нима?
Юракларнинг тубидан
Сизиб томган кўз ёшдир.
Муҳаббат ози нима?
Кул ичра яшил гиёҳ
кўтарган мағрур бошдир!..

■ Муҳаббат ХЎЖАМУРАТОВА

ҚАЙТГИМ КЕЛДИ ЭРТАКЛАРИНГГА

Оймомажон, сўйлаб бер эртак
Эртакларинг тинглагим келди.
Олисларда қолган ёшликни
Қўмсаб яна бўзлагим келди.

Оймомажон, сўйлаб бер эртак,
Эртакларинг соғиндим чиндан.
Сенинг маъюс нигоҳларингдан
Бир зум чўпчак тинглайин дилдан.

Оймомажон, сўйлаб бер эртак,
Эртакларда яшагим келди.
Оймомажон, айтиб бер такрор,
Қайтгим келди эртакларингга.
Оймомажон, сўйлаб бер эртак.

***

Мен ёмғир эдим-а, ёмғир эдим мен
Тун бўйи, тун бўйи шитирлаб ёққан.
Хазон япроқларни майин эркалаб
Ғариб дарахтларга дардини айтган.
Мен ёмғир эдим-а, ёмғир эдим мен.
Ўйчан теракларга эртаклар айтган.
Маъюс мажнунтолнинг сочларин ювиб,
Ҳорғин ўйлакларнинг чангларин артган.
Мен ёмғир эдим-а, ёмғир эдим мен
Сўнгсиз соғинчларнинг кўзидан оққан.
Армон кипригига осилиб бир зум
Сўнг тупроқ бағрига сингишиб кетган.

■ Умида БОЛЛИЕВА

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shuhratjon TO'PAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.20
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«МАИШИЙКИМЁ»

ЎЗБЕКИСТОН — КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Азиз ва мўътабар онахонларимизни, гул-гул яшнаётган хотин-қизларни гўзал баҳор байрами —

8 МАРТ

муносабати билан чин дилдан самимий муборакбод этади!
Янги асрнинг биринчи йили мамлакатимизда Оналар ва болалар йили, деб эълон қилинган. Зеро, тинчлик-барқарорлик, хотиржамлик ва соғлом авлод тарбиясини ўзида мужассамлаштирган аёлларимиз жамиятда муносиб ўрин эгаллайдилар. Шу боис ҳам ушбу тантана кунларида барча аёлларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларига осойишталик ва тўкин-сочинлик тилаймиз!

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ АЁЛЛАР!

Тел.: 96-55-02, 96-59-02.

«МАИШИЙКИМЁ» Ўзбекистон — Кипр қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамияти